

**ПЕДАГОГИК ВА
ПСИХОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАР**

ФЕВРАЛЬ, 2023

2-СОН



**PEDAGOGICAL AND
PSYCHOLOGICAL STUDIES**

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ**



ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, 2-СОҢ

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-2

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-2

ТОШКЕНТ - 2023

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

№ 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4066-2023-2>

Бош муҳаррир:

Нишонова З. – психология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Давлатов О. Ғ. – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Таҳририят аъзолари:

Абдужаббарова М. – педагогика фанлари номзоди, доцент
Абдурахимов Қ. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Акмалов А. – педагогика фанлари номзоди, доценти
Акрамова Ш. – педагогика фанлари доктори, профессор
Юсупова Х. И. – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
Джураев Д. – педагогика фанлари доктори
Душанов Р. – психология фанлари номзоди, доценти
Негматовна Г. – педагогика фанлари номзоди, доцент
Разакова Р. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тожибоева Г. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тожибоева Г. – психология фанлари бўйича фалсафа доктори
Тўйчиева С. – психология фанлари номзоди, доцент

“Педагогик ва психологик тадқиқотлар” журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054834-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

Педагогика фанлари

БЕКМУҲАМЕДОВА Мадинабону Улуғбековна
Андижон давлат чет тиллар институти
2-курс магистранти

ҚУРБАНОВ Музаффар Абдумуталибович
Андижон давлат чет тиллар институти (PhD)
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7682646>

СПОРТ ЎЙИНЛАРИДА НОВЕРБАЛ МУЛОҚОТНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена выражению приветствия в социальной сфере мира с помощью паралингвистических средств, выделены отличия невербального общения от вербального общения и их значение в спорте.

Ключевые слова: приветствия, соперники, паралингвистические средства, невербальная коммуникация, разные национальности, виды приветствий в спорте, вербальный прием.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола жаҳондаги ижтимоий соҳадаги саломлашишнинг паралингвистик воситалар орқали ифода этишга бағишланган. Новербал мулоқотнинг вербал мулоқотдан фарқлари, уларнинг спортдаги аҳамияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: саломлашиш, рақиблар, паралингвистик воситалар, новербал мулоқот, турли миллатлар, спорт турларидаги саломлашиш турлари, вербал ёндашув.

ANNOTATION

This article is devoted to the expression of greetings in the social sphere of the world through paralinguistic means. The differences of non-verbal communication from verbal communication and their importance in sports are highlighted.

Key words: greetings, opponents, paralinguistic tools, non-verbal communication, different nationalities, types of greetings in sports, verbal approach.

“Новербал воситаларнинг ўзаро фарқланувчи этнопсихологик ҳудудий белгилари мазкур халқнинг миллий урф-одатлари, қадриятлари, муайян халқнинг одоб ахлоқи билан боғлиқ хусусиятларни ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, мулоқот жараёнида новербал воситаларнинг вербал воситалар ўрнида қўлланиши, уларнинг нутқда юзга чиқиш зарурати, сўзловчи фикрларининг инсон тана аъзолари, овоз оҳанги, кийим-кечаклари, семиотик ва кодланган белгилар орқали ифодаланиши уларнинг мулоқотда ўрни, вазибалари ва нутқий тежамкорликни таъминлаши бўйича илмий тадқиқот ишларининг амалга оширилишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.”

Паралингвистик воситалар орасидаги одоб-ахлоқ нормаларини талаб қиладиган ҳаракат шахслараро мулоқотда саломлашиш, балки хайрлашиш ҳам акс этган бўлиб, уларни ифода қилиш жуда мураккаб жараён ҳисобланади.

Айниқса новербал мулоқотда саломлашиш жараёнида аниқ бир маънони ифода этиб, шахслар улардан ўзаро миллий, маданий ижтимоий ва руҳий ҳолатларини юзага чиқариш учун қулайдир.

Шунинг учун ҳам новербал мулоқотда саломлашиш келажакда суҳбатдош билан тингловчи ёки тингловчилар орасида кечадиган муносабатларни қай даражада давом этишини белгилаб, салом бериш жараёнида суҳбатдош тўғрисида айрим маълумотларни, характерини, руҳий ҳолатини ва мулоқотга киришиши мақсадини ва бошқа ахборотларни олиш имкониятини пайдо қилади.

Турли миллатларда саломлашишни паралингвистик воситаларда акс эттирилиши билан боғлиқ барча вазиятлар ўрганилиб, саломлашиш турлари қуйидаги гуруҳларга ажратиш назарияси илгари сурилди:

1. Маданий саломлашиш
2. Расмий дипломатик саломлашиш
3. Миллий саломлашиш
4. Ноодатий(норасмий) саломлашиш
5. Диний саломлашиш
6. Жинсига кўра саломлашиш
7. Ҳарбий саломлашиш
8. Ижтимоий гуруҳга оид саломлашиш (касбга, бир жамоа ёки яқин қариндошларни ўзига хос саломлашиш)
9. Вазиятга қараб саломлашиш
10. Халқлараро саломлашиш

Ижтимоий гуруҳга, касбга ва бир жамоага оид саломлашиш турлари ҳам ўз навбатида маълум бир кичик гуруҳларга бўлиниб кетади. Хусусан, ҳозирги ривожланаётган замонимизда спорт турларининг ва спорт усталарининг новербал саломлашиш жараёнлари тадқиқ қилинмоқда.

Қуйида спорт турларида паралингвистик воситалар ёрдамида саломлашиш қай даражада ифодаланиши ёритилади.

Ёшларимизнинг энг сеvimли ва дунёдаги энг машхур спорт турларидан бири футболда ўйинчилар майдонга тушишларидан илгари жамоаларидан бир футболчи тик ҳолда туриб кўлини кўтариб олади, бошқа ўйинчилар эса унга кўл кафтларини уруштирадilar.

Боксда эса икки рақиб бошланишидан аввал ўзаро ҳурмат билан кўлқопда муштларини уруштириш орқали саломлашадilar.

Қиличбозликда рақиблар ўзаро химояланган либосларда кўлларига қиличларини кўтариб, қиличлари учи билан уриб кўядilar.

Баскетболда кўл муштлари ёнга қаратилган ҳолда рақибга уруштирилади.

Бадий гимнастикада оёқ учида юриб чиқиб, кўллари кўтарилган ҳолатда нозик ҳаракатлар билан салом беради.

Кураш (юнон/рум, миллий) спортида икки рақиблар бир-бирларига иккала кўлларини узатган ҳолатда кафтларини сиқиб кўйишади.

Дзюдо спортида иккалари бир-бирлари ҳурмат билан ўнг кўллари кафтини кўкракларига кўйиб таъзим қиладilar.

Самбода рақиблар ўзаро кўлларини сиқиб, елкаларидан кучоқлаб кўядilar.

Таеквандо спортида иккаларари ҳам бир-бирларига бош эгиб таъзим қилиб, ўнг кўлларини сиқадilar.

Стол теннисида ўйинчилар бир-бирларининг ракеткаларига уруш орқали салом берсалар, катта теннисда ракеткаларини ерга икки мартаба теккизиб саломлашадilar.

Оғир атлетикада бош озгина эгилиб таъзим қиладilar.

Енгил атлетикада (югуриш, узунликка сакрашда) спортчи кўлларини олдинга чўзиб кўл кафтларини бир-бирига теккизади.

Сузиш спортида қўллар белга қўйилиб, бошни ўнгга ва чапга буриб салом берадилар. Каратеда рақиблар бир-бирларига енгил бош эгиб таъзим қиладилар.

Юқоридаги саломлашиш турларини яна ҳам кенгайтириш мумкин. Масалан, спорт мусобақаларида новербал саломлашиш, кузатувларга қараганда, кўп ҳолларда ҳакамлар бир-бирлари билан енгил қўл сикиш, бошини озроқ енгил таъзим қилиш ҳаракати билан ифодаланади.

Кейинги ҳолларда эса спортчиларнинг майдондаги мухлислар билан саломлашишлари улар спортчига қўл чўзишади, ўз навбатида у ҳам уларга қўл кафтларини бериб енгил уриб қўяди ёки бошини озроқ эгиб таъзим қилади, қўл кафтларини мушт ҳолатда аста уриб қўяди.

Қадимдан Олимпия ўйинлари ўтказиш чоғларида ҳам салом бериш урф-одатлар сирасига кирган. Ўша даврларда ҳам майдонга спортчининг ташрифи олқишлар, хайқириқлар билан кутиб олинган. Бундай хатти-ҳаракатлар ўз навбатида спортчининг психологиясига таъсир этиб, ўзига ишонч, ғалаба қилиш учун асосий мотивацияни берар эди.

Ҳозирги кундалик турмуш тарзимизда ҳам юқори доираларда саломлашиш санъат даражасига кўтарилиб бормоқда. Биргина спорт соҳаси билан чегараланиб қолмасдан, бошқа барча ижтимоий соҳаларга эътибор қаратсак, мураккаб, такрорий, бироз вақт талаб этадиган, саломлашиш тартиби инсонларни ўзаро бир-бирларига бўлган чуқур ҳурмат, ишонч ва садоқатни акс эттиради.

Жаҳондаги кўпгина спорт турларида вербал мулоқот орқали амалга оширилсада, бироқ ўз ўрнида қўл, бош сингари тана аъзолари ҳаракати инсонга қўшимча мулозамат, кишилар яъни рақиб спортчилар ўртасида муҳаббат пайдо қилиб, орадаги гина, хусуматни бартараф этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, мулоқотнинг новербал тури ёрдамида саломлашиш турли миллатлар спортчиларни ўртасида қабул қилинган умумий паралингвистик тушунчаларга ўхшамасада, аслида улар бошқалардан этнопсихологик, географик жойлашуви ёки урф-одат, одоб-ахлоқ, миллий қадриятлар туфайли ўзаро фарқ қилиши мумкин.

Вербал ва новербал мулоқотлар икки суҳбатдошни фикрини ифода этишда бир-бирини ўринларини тўлдириб келади, бироқ айрим ҳолларда эса бири иккинчисидан ўз устунлигини намоён этиши мумкин. Шунга кўра, мақолада акс эттирилган фикрларни янада кенг ва чуқур ўрганиш, ундаги илмий-танқидий мулоҳазаларни инкор қилиб бўлмас даражада назарий ва амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш, бу борада ишлар олиб борган олимлар эътиборини жалб қилиш учун олдинга сурилган янги билимларни ўрганишда давом этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ИҚТИБОСЛАР

1. М.А.Қурбонов.” Монография” 2021 йил
2. Саидхонов М. - Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. “Фан”, 2008
3. Vargas M.F. - An introduction to nonverbal communication. The Iowa State Univ. Press /Ames, 1986.
4. Григорьева С.А., Григорьев Н.В., Крейдлин Г.Е. - Словарь языка русских жестов. Москва – Вена: "Языки русской культуры", "Wiener Slawistischer Almanach, Sonderband 49, 2001.
5. Duranti A. - Language and bodies in social space: Samoan ceremonial greetings. American anthropologist, 94, 1992, 657 – 691.
6. Садохин А.П. - Введение в теорию межкультурной коммуникации. - М., 2014. - 278 с.
7. Collett P.-Meetings and misunderstandings // G. Bochner (ed.) Cultures in contact: Studies in cross-cultural interaction. Oxford: Pergamon Press, 1982, 81 – 98.
8. Shiffrin D. - Handwork as ceremony: The case of the handshake. Semiotica, 12, № 2, 1974, 189 – 202.
9. Websters third New International Dictionary КÖnemann, 1993, 2662 p.
10. Басова А.Г., Егоров С.Ф. - История Сурдопедагогики. М.: Просвещение, 1984.
11. Голубовский Д.М. - Невербальная коммуникация в древнерусских письменных источниках. М.: РАН, 2009.
12. Pittenger R., Hockett Ch., Danehy I. - The First Five Minutes. A Sample of Microscopic interview analysis. Ithaca, New York, 1960.
13. Trager G.J. - The Typology of Paralanguage. Anthropological Linguistics, 1961, №3, №1.
14. Burns T. - Nonverbal Communication. “Linguistics Today”, ed. A. Hill, New York, 1969.

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, 2-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-2

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-2

«Педагогик ва психологик тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054834-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz